ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МИРАШИРОВА НАРГИЗА АНВАРОВНА

ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ПОРТРЕТ ТАЛАБА-ПСИХОЛОГ КАСБИЙ КАМОЛОТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

19.00.05 – Ижтимоий психология.Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФ ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2022

УДК: 152.22 : 378.180.6

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии по психологическим наукам (PhD)

Contents of dissertation adstract of the doctor of philosophy (PhD) on psychological sciences

Мираширова Наргиза Анваровна
Ижтимоий-психологик портрет талаба-психолог касбий камолотини белгиловчи омил сифатида..... 3

Мираширова Наргиза Анваровна
Социально-психологический портрет как определяющий фактор профессиональной зрелости студента-психолога..... 25

Mirashirova Nargiza Anvarovna
Socio-psychological portrait as a determining factor of professional maturity of a student psychologist..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..... 52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МИРАШИРОВА НАРГИЗА АНВАРОВНА

ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ПОРТРЕТ ТАЛАБА-ПСИХОЛОГ КАСБИЙ КАМОЛОТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

19.00.05 – Ижтимоий психология.Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФ ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/P217 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psi-ik@.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Сафаев Нуритдин Салихович** психология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Умаров Бахриддин Менгбоевич** психология фанлари доктори, профессор
	Лутфуллаева Нигора Халимбаевна психология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 255-80-86; факс: (99871) 256-76-51, e-mail: tdpu kengash@edu.uz Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Маъмурий биноси, 2-қават, 4-анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ _ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. ТДПУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 255-80-86; факс: (99871) 256-76-51.

Диссертация автореферати 2022___ йил «_____»_____куни тарқатилди. (2022____ йил «_____»_____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Акрамова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, психология фанлари
доктори, доцент

Н.Б.Атабаева
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, психология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Т.Нишонова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, психол.фан.доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда психолог-мутахассис инсон руҳиятининг даволовчиси сифатида қаралади. Психолог одамларни мураккаб ёки ностандарт вазиятларда қўллаб-қувватлайди, уларга ўзини баҳолаш, ўз хатоларини тушуниш, англаш, ўз «Мен»ини ҳимоя қилиш каби бир қатор вазифаларни бажаради. Шу боис бугунги кунда назариётчи психолог, амалий психолог, психолог-тадқиқотчи, клиник-психолог, юрист-психолог, таълим муассасаси психологи ва бошқа фаолият йўналишида ишлаётган психологлар категориялари мавжуд. Бу борада психологлар фаолиятини тизимлаштириш ва тартибга солиш учун зарурати юзага келмоқда. Меҳнатнинг касбий қадриятларини шакллантириш динамикасини белгиловчи омиллар ва шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, психолог мутахассиснинг фаолиятини йўлга қўйишда иккита асосий гуруҳга: 1-ижтимоий-психологик омиллар; 2-касбий омиллар[1] ажратиш муҳим эканлиги белгиланган бўлиб, халқаро миқёсда психологлар фаолиятига қўйиладиган талаблар мутахассиснинг қиёфаси ва касбий камолотини муттасил ўрганиб бориш масаласини ҳануз долзарблаштиради.

Жаҳон таълим ва тадқиқот масканларида психологик маданият, шахсий-касбий психологик сифатлар, ҳар хил соҳа мутахассисларининг касбий қиёфаси ҳамда касбий камолоти орқали психологик портретлари, мутахассисларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминловчи психологик омиллари, мутахассиснинг ўзини-ўзи англаши ва ўзини-ўзи тушуниши, касбий қобилиятлари, индивидуал-типологик хусусиятларига доир илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада ижтимоий-психолог портрет психолог касбий камолотини белгиловчи омил эканлиги, хусусан, касбий деформация, мутахассисларнинг касбий сўниши, психологларнинг касбий тайёргарлик босқичи учун зарур сифатлари масаласи кам ўрганилган соҳа сифатида тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради.

Республикамизда сўнгги йилларда психология соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш хизмати масалаларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. «Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади, деган ғоя...»[2] таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг стратегик вазифаларини белгилаб берилганлиги ва таълимнинг барча босқичларида психологик хизмат кўрсатувчи тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш асосида жамият тараққиёти учун фаннинг имкониятларини рўёбга чиқариш ва соҳа мутахассисларининг касбий тайёргарлик даражасини оширишга эътибор кўрсатиш орқали уларни илмий тадқиқ этишда етарли асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

[1] Халиулина Д. З. Факторы определяющие динамику профессиональных ценностей субъекта труда.//Теория и практика общественного развития 2014г. № 21. 326 ст. https://cyberleninka.ru/article/n/

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. / “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 30 декабрь.

стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармонлар, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Р.М.Абдуллаева, М.Г.Давлетшин, С.Н.Жўраева, В.М.Каримова, М.С.Мақсадова, Д.Г.Мухамедова, З.Т.Нишонова, Н.С.Сафаев, Р.С.Самаров, Р.И.Суннатова, Ш.Ж.Усманова, К.А.Фарфиева, Ў.Б.Шамсиев, Ғ.Б.Шоумаров, Б.Р.Қодиров, Г.Д.Қўлдошева, Э.Г.Ғозиев ва бошқалар психолог портрети, касб танлаш, касбий фаолиятга тайёрлаш, касбга йўналтириш, касбий сифатларни шакллантириш масалаларини қисман ўрганиб, илмий изланишларини амалга оширишган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан К.А.Альбуханова-Славская, Б.Г.Ананьев, Г.М.Андреева, А.Г.Асмолов, О.А.Ахвердова, Д.В.Берко, Т.А.Валькова, И.С.Кон, С.Е.Пиняева ва бошқалар шахс психологиясининг умумий тамойиллари, хулқ-атвор шакллари ва психологик портретда учрайдиган хусусиятларни; Р.Л.Ахмедшин, М.Битянова, И.В.Боев, В.А.Шурупов, О.П.Елисеев, Н.И.Кос, Н.Л.Нагибина, В.Райх ва бошқалар психологик тип ва портретнинг ўрганиш усулларини; В.А.Лабунская, Я.Б.Наровская, Г.В.Лапинская, Е.Б.Лапутин, О.С.Павлова, Л.А.Бондаренко, И. В.Ламаш, Е.А.Мадзаров ва бошқалар ҳар хил соҳа вакилларининг психологик портретини ўрганишган; Н.А.Аминов, М.В.Молоканов, Н.В.Бачманова, Н.А.Стафурина, А.А.Волгушева, В.Т.Волов, Л.Б.Четырова, Н.Т.Джалялетдинов, Р.В.Иванов, Р.Р.Баудинова, Е.А.Климов, Е.В.Юдина ва бошқалар томонидан психологик портретнинг асосий компонентлари, психолог касбини танлаш, психологни касбий фаолиятга тайёрлаш ва касбга йўналтириш масалаларини маълум даражада илмий тадқиқ этишган. Лекин ҳанузгача психологнинг ижтимоий-психологик портретини ўрганишга оид комплекс тадқиқот иши амалга оширилмаган.

Хориж олимларидан Jeyms A.Brussel, D.Duglas, M.I.Drepa, Timothy Bancroft-Hinche ва бошқаларнинг тадқиқотларида психологик профилини тузиш,

жиноятчининг психологик портретини яратиш, етакчининг психологик портретини тузиш масалалари илмий тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170923121 «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» лойиҳалари доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади психолог ижтимоий-психологик портретининг талаба-психолог касбий шаклланишидаги аҳамиятини очиб бериш асосида етакчи омилларни аниқлаш ва уларни тавсифловчи ижтимоий-психологик портрет харитасини шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талаба-психолог ижтимоий-психологик портрети феноменига доир методологик ёндашувларни ҳамда ижтимоий-психологик портретнинг талаба-психолог касбий шаклланишига алоқадорлигини ўрганишда баҳолаш компонентлари ва психодиагностика воситаларини аниқлаштириш;

талаба-психологларнинг касб танлаш сабаблари, ўқув мотивациялари, касбий муваффаққиятини таъминловчи касбий компетенцияларини психолог ижтимоий-психологик портретининг таркибий тузилмалари сифатида аҳамиятини ўрганиш;

талаба-психологлар ижтимоий-психологик портрети таркибидаги расмий-динамик ва шахсий хусусиятларини ҳамда талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретида гуруҳий муносабат, психологик микромуҳит ва гуруҳий жипслик индекслари ўрнини аниқлаш;

талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретининг касбий ўсишини таъминлашдаги аҳамиятини белгиловчи етакчи омилларни эмпирик кўрсаткичлар асосида талаба-психологлар ижтимоий-психологик портрети компонентларини тавсифлаш харитасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бакалавриат таълим йўналишида таҳсил олаётган психология таълим йўналишидаги 1-4 босқич талабаларидан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидан 100 нафар, Андижон давлат университетидан 70 нафар, Бухоро давлат университетидан 70 нафар жами 240 нафар ҳамда 43 нафар профессор-ўқитувчилар респондент сифатида иштирок этди, уларнинг умумий сони 283 нафарни ташкил этди.

Тадқиқотнинг предметини талаба-психологларнинг касбий камолотини таъминлаш ижтимоий-психологик портретнинг таркибий компонентлари, касбий шаклланишини таъминлашга хизмат қилувчи расмий-динамик, шахсий сифатлар, шахслараро муносабат ва касбий компетенциялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат методлари, шунингдек, В.М.Русаловнинг «Индивидуал фарқларнинг расмий-динамик сўровномаси» методикаси; Р.Б.Кеттеллнинг «Катталар шахсини ўрганиш 16 РҒ (А вариант)» сўровномаси; И.Г.Сениннинг «Қадриятлар йўналишлари»

саволномаси; А.А.Реан ва В.А.Якунинларнинг «Талабалар ўқув мотивациясини ўрганиш» тести; В.М.Завьялованинг «Талабалар гуруҳидаги микромуҳитни баҳолаш» сўровномаси; Л.М.Фридман, В.С.Ивашкин, В.В.Онуфриевалрнинг «Ўқув гуруҳидаги жипслик ва қадриятлар бирлигини ўрганиш» методикалари; В.Смекал ва М.Кучеранинг «Шахс йўналганлигини аниқлаш» методикаси; муаллифлик «Психолог касбини танлашга сабаб бўлувчи омиллар»ни баҳолаш ва «Талаба-психологларнинг умумий касбий компетенцияларини ўзлари ва эксперт томонидан баҳолаш» методикаларидан фойдаланилди, олинган натижаларнинг ишончлилиги математик-статик методлардан Studentнинг t-мезони, К.Пирсоннинг корреляция таҳлил, факторли таҳлил усуллари орқали тасдиқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретининг касбий шаклланишида ижтимоий-психологик муносабатларни белгиловчи касбий муҳим сифатларни аутент баҳолашнинг дифференциал намоён бўлиши орқали расмий-динамик ва шахс хусусиятлари билан боғлиқ ижтимоий компонентлар асосланган;

«талаба-психолог»нинг ижтимоий профилини шакллантиришда коммуникатив, интеллектуал, эмоционал ва шахснинг тартибга солувчи хусусиятларини ўзаро интегратив намоён бўлиши муҳимлигига кўра талаба-психологларнинг ижтимоий-психологик портретини характерлавчи омиллар-нинг устувор таъсири далилланган;

талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретининг таркибий тузилмаларини касбий камолотни белгилашда ифодаланишига кўра касбий тасаввурларни қадриятлар тизими ҳамда шахс йўналганлиги (ўзига, мулоқот, фаолият) билан уйғун ривожланганлиги туфайли «Мен» ва ижтимоий муносабатлар мутаносиблигини таъминлаш етакчи омил эканлиги асосланган;

талаба касбий тасаввурларининг шаклланганлик даражасини шахс профилида ифодаланишига кўра ижтимоий-психологик портретнинг психологларда касбий ўзликни англашни мотивацион соҳа билан ўзаро адаптив ривожланиши орқали «Талаба-психологлар ижтимоий-психологик портрети харитаси» ишлаб чиқиш зарурати далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретининг касбий камолотидаги аҳамияти, ижтимоий-психологик портретни баҳолаш компонент-лари, ижтимоий-психологик портретнинг расмий-динамик ва шахс хусусиятлари, ижтимоий-психологик муносабат ва касбий шаклланишини белгиловчи компонентлари, талабаларнинг касб танлаши, касбий муваффақиятларини таъминловчи омиллар, талаба-психологларнинг шахс хусусиятлари профили, гуруҳдаги психологик микромуҳит ва гуруҳий жипслигини аниқлашда ўз ифодасини топган.

Эмпирик натижалар талаба-психолог ижтимоий-психологик портрети билан касбий камолотининг алоқадорлигини ифодаловчи омиллар, ўқув

мотивлари, қадриятлар йўналганлиги, расмий-динамик ва шахс хусусиятлари омилларини, гуруҳий жипслик индексини аниқлаш ва ижтимоий-психологик портрет харитасини шакллантириш орқали тадқиқот муаммолари ҳал этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини тадқиқот объектларининг тўғри танланганлиги, тадқиқотларда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги, аниқлиги, текширувларнинг бир неча босқичларда ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилган ҳамда натижаларни статистик қайта ишлаш SPSS 14.0 (Ижтимоий фанлар учун статистик пакет 14.0) дастурлари ёрдамида амалга оширилганлиги белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрганилаётган ҳодисанинг илмий ғоясини очиб берувчи талабалар ижтимоий-психологик портретининг касбий шаклланишини таъминлашдаги ўрнини баҳолаш компонентлари ва психодиагностика воситаларини танлашлари, турли касб-ҳунар соҳалари мутахассисларининг ижтимоий-психологик портретларини шакллантиришда, психологик портретнинг етакчи компонентлари ва таркибий тузилмаларини аниқлашларини омилкорона ташкил этишларини очиб бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти танланган психодиагностик мажмуанинг«Талаба-психологлар ижтимоий-психологик портрети харитаси» талаба-психологларнинг касбий шаклланиши учун зарур омилларнинг ўрнини аниқлашлари ҳамда ижтимоий-психологик портрет доирасидаги тадқиқот йўналишларини аниқлашлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ижтимоий психологик портрет талаба-психолог касбий камолотни белгиловчи омиллари юзасидан олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретининг касбий шаклланишида ижтимоий-психологик муносабатларни белгиловчи касбий муҳим сифатларни аутент баҳолашнинг дифференциал намоён бўлиши орқали расмий-динамик ва шахс хусусиятлари билан боғлиқ ижтимоий компонентларни асослашга оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув илмий марказининг 2020 йил 26 августдаги ПМ-9-сон буйруғи асосида «Консультатив психология ва психокоррекция» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув илмий марказининг 2020 йил 26 августдаги ПМ-9-сон маълумотномаси). Натижада психолог-талабаларда психолог касбининг муҳим жиҳатларини эгаллашлари ва ижтимоий психологик муҳит ҳақида билим, тушунчаларининг ортишига эришилган;

«талаба-психолог»нинг ижтимоий профилини шакллантиришда коммуникатив, интеллектуал, эмоционал ва шахснинг тартибга солувчи хусусиятларини ўзаро интегратив намоён бўлиши муҳимлигига кўра талаба-психологларнинг ижтимоий-психологик портретини характерловчи омиллар-

нинг устувор таъсири далилланганлигини асослашга оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув илмий марказининг 2020 йил 26 августдаги ПМ-9-сон буйруғи асосида «Умумий психодиагностика» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув илмий марказининг 2020 йил 26 августдаги ПМ-9-сон маълумотномаси). Натижада, психологларнинг шахсни психологик профилини таҳлил ва талқин қилиши бўйича услубий таъминоти шакллантирилган;

талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретининг таркибий тузилмаларини касбий камолотни белгилашда ифодаланишига кўра касбий тасаввурларни қадриятлар тизими ҳамда шахс йўналганлиги (ўзига, мулоқот, фаолият) билан уйғун ривожланганлиги туфайли «Мен» ва ижтимоий муносабатлар мутаносиблигини таъминлаш етакчи омил экнлигини асослашга оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув илмий марказининг 2020 йил 26 августдаги ПМ-9-сон буйруғи асосида «Умумий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув илмий марказининг 2020 йил 26 августдаги ПМ-9-сон маълумотномаси). Натижада, психологларни қайта тайёрлаш курси ишларида ижтимоий-психологик портретини тузиш ҳамда баҳолаш бўйича фаолиятлари самарадорлигини оширишга ёрдам берилган;

талаба касбий тасаввурларининг шаклланганлик даражасини шахс профилида ифодаланишига кўра ижтимоий-психологик портретнинг психологларда касбий ўзликни англашни мотивацион соҳа билан ўзаро адаптив ривожланиши орқали «Талаба-психологлар ижтимоий-психологик портрети харитаси» ишлаб чиқиш зарурати далилланган маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув илмий марказининг 2020 йил 26 августдаги ПМ-9-сон буйруғи асосида «Онтогенез психологияси ва дифференциал психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув илмий марказининг 2020 йил 26 августдаги ПМ-9-сон маълумотномаси). Натижада, курс тингловчиларининг ижтимоий-психологик портретнинг компонентларини мазмунини таҳлил қилиш билан боғлиқ фаолият самарадорлиги оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми иловаларсиз130 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган олий ўқув муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан алоқадорлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот методлари, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг татбиқи ва уларнинг синовдан ўтиши баён қилинган.

Диссертациянинг **«Талаба-психологлар ижтимоий-психологик портрети муаммосининг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи боби ижтимоий-психологик портретни шакллантириш психологик муаммо эканлиги, жаҳон психологиясида ижтимоий-психологик портрет тузиш муаммосининг тадқиқ этилганлик ҳолати, талаба-психолог ижтимоий-психологик портрети муаммосининг психологик тадқиқотларда ўрганилганлик ҳолатини тадқиқ қилишга бағишланган.

Биринчи бобда психологик ва ижтимоий-психологик портрет тушунчалари асосида портрет тушунчасининг этимологияси таҳлил қилинган ва фанлараро хусусияти ёртилган. Психологик портретни ўрганишда шахс тузилиши, шахснинг ижтимоийлашувига доир етакчи олимлар Б.Г.Ананьев, Г.М.Андреева, Л.С.Виготский, И.С.Кон, Ч.Кули, А.Н.Леонтьев, Ж.Мид, К.К.Платонов, С.Л.Рубинштейн шахс ва шахс тузилиши тўғрисидаги қарашлари асосида йўналиш олинганлиги баён этилган. Шунингдек, психологик портретнинг тузилмаси талаба-психолог ижтимоий-психологик портретини ўрганишга назарий-методологик асос сифатида хизмат қилиши учун бир қатор илмий тадқиқот ишларига таянилди. Натижада психолог Д.Милай томонидан тақдим этилган психологик портрет тузилмаси, О.А.Абрамова IT-тадбиркорларнинг психологик портрети, Е.Ю.Шпаковская, Д.А.Хабибулин, В.В.Чуриловларнинг виртуал аддиктив шахслар портрети, Л. А.Бондаренко, И. В.Ламашнинг сталкерларни психологик портрети, Е.А.Мадзаровнинг изланишида эса уюшган жиноятчиларнинг психологик портрети ва Тимоти Бэнкрофт-Хинчи (Timothy Bancroft-Hinche) томонидан олиб борилган изланиш етакчининг психологик портретига доир тадқиқотлар назарий таҳлил қилинган.

Талабаларнинг ижтимоий-психологик портрети ва касбий камолоти масалаларига оид тадқиқотлар таҳлилида М.И.Дрепа томонидан талабанинг ахлоқий ва психологик портретини тавсифловчи омиллар, уларнинг бўлажак мутахассиснинг психологик ва касбий хусусиятларига таъсири, Л.Шкутина, Н.Б.Михайлова, А.Кубановларнинг замонавий талабаларнинг психологик портрети, Е.Кияшко, Е.Б.Марин, Т.А.Васильеваларнинг медиа воситалардан фойдаланувчиларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, В.Е.Хазановнинг замонавий талабанинг ижтимоий-психологик портрети, В.А.Ткачеванинг мақоласида замонавий талабанинг ахлоқий ва психологик портрети, Т.А.Верняева психологнинг касбий-шахсий портретини, А.А.Волгушеванинг ишида эса психолог портретининг мавжуд тажрибалар асосида шакллантириш

алгоритми ва зарур хусусиятларига доир илмий тадқиқотлари мазмуни шарҳланган.

Маҳаллий олимлардан Р.М.Абдуллаева, С.Н.Жўраева, М.С.Мақсадова, Д.Г.Мухаммедова, Р.С.Самаров, Н.С.Сафаев, Ш.Ж.Усманова, К.А.Фарфиева, Ў.Б.Шамсиев, Г.Д.Қўлдошеваларнинг талабалар фаолияти билан боғлиқ бўлган психологик муаммоларга бағишланган изланишлари ёритилган.

Диссертациянинг **«Талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретида касб танлаш мотивлари, ўқув мотивлари ва қадриятлари аҳамиятининг эмпирик кўрсаткичлари»** деб номланган иккинчи бобида талаба- психологлар ижтимоий-психологик портретининг тадқиқ этиш мезонлари ва методикалари тавсифи, талаба-психологлар ижтимоий-психологик портрети тузилмасида ўқув мотивларининг ўрни, талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретида қадриятларининг ўрни масаласи таҳлил этилган.

Талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретининг тадқиқ этиш мезонлари ва методикалари тавсифида тадқиқотнинг баҳолаш инструмент-ларининг қўлланиш хусусиятлари изланиш мазмунига мувофиқлигини таъминлаш инобатга олинган.

Дастлабки эмпирик кўрсаткичлар талаба-психологларнинг касб-танлаш мотивларига бағишланган (1-жадвал).

Жадвал натижаларига кўра Талаба-психологлар ўз касбларини танлашида «психолог бўлиш қизиқарли ва ёқимли» эканлиги (4,86 балл), инсонларга ёрдам бериш истаги (4,66 балл), психолог касблар ичида юқори нуфузга эгалиги (4,36 балл), психологнинг шахсий сифатлари: масъулиятлилик, мақсадга йўналган, ваколатли, ақлли, иш тартиби тизимли (4,11 балл), инсонлар билан мулоқот қилишни ёқтириш (4,10), ўзини ва ўзга инсонларни таҳлил қилиш (4,07 балл) юқори аҳамиятли омиллар сифатида баҳолаган. Ушбу омилларнинг таълим босқичлари нуқтаи назаридан ўрганилганда барча босқич талабаларида психолог бўлиш қизиқарли ва ёқимли (4,52 балл (1-курс), 4,38 балл (2 курс), 5 балл (3 курс) ва 5 балл (4 курс)) деб баҳоланган. Талаба-психологларнинг касб танлаш мотивлари, психолог касбини танлашнинг ўзига хос хусусиятлари билан бир қаторда уларнинг келгусида психолог сифатида камол топишларига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам ўрганилди. Бу эса талаба-психологлар ижимоий-психологик портретининг бир чизгиларидан ҳисобланади. Бунинг учун таъсир кўрсатувчи ўнта банддан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири баҳолаш шкаласи (5 балл) таянилган ҳолда амалга оширилди. Олинган эмпирик қийматлар таҳлили эса умумий ва таълим босқичи бўйича ҳисобланди. Натижалар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, талабаларнинг умумий кўрсаткичларига кўра келажакда психолог сифатида камол топишлари учун энг муҳим омил киришимлилик (4,65 балл), юқори касбий билим ва тажрибага эгалик (4,60 балл), ташкилотчилик қобилияти (4,45 балл), когнитив қобилиятлари (диққат, хотира, тафаккур, идрок, хаёл, креативлик) (4,43 балл), яшаш ҳудуди (4,34 балл), ота-онанинг нуфузи (4,24 балл), хорижий тилни билиши (4,11 балл) , шахсий жозибадорлик (4,09 балл), ҳамкасблари билан ҳамкорлик (4,00 балл) ва шахсий муносабатлар (3,93 балл) изчиллигида баҳоланган.

1-жадвал

Психология таълим йўналиши талабаларининг психолог касбини танлаши тўғрисидаги тасаввурлари

№	Баҳолаш мезонлари	Умумий натижалар		1-курс		$t_{1.2}$	2-курс		$t_{2,3}$	3-курс		$t_{1,3}$	4-курс		$t_{3,4}$
		X	σ	X	σ		X	σ		X	σ		X	σ	
1.	Психолог бўлиш қизиқарли ва ёқимли	4,86	0,40	4,52	0,66	-2,47*	4,88	0,32	-2,145	5,00	0,02	-4,14***	5,00	0,17	-3,114***
2.	Инсонларга ёрдам бериш истаги	4,66	0,47	4,55	0,50	3,20***	4,23	0,43	-6,782	5,00	0,12	-5,10***	5,00	0,08	-4,412***
3.	Ўзимни ва ўзга инсонларнинг таҳлил қилиш	4,07	0,80	4,02	0,83	2,47*	3,55	0,50	-14,269	4,32	0,63	-1,40	5,00	0,21	-7,000***
4.	Инсонлар билан мулоқот қилишни ёқтириш	4,10	0,89	3,67	0,91	-2,81**	4,23	0,78	0,514	4,08	0,79	-3,65***	4,50	0,88	-2,557*
5.	Вазият тақозоси билан	3,04	1,82	2,35	1,90	-2,45*	3,50	1,52	1,056	3,23	1,98	-1,87	2,00	1,76	-1,735
6.	Психолог касблар ичида юқори нуфузга эгалиги	4,36	1,99	4,20	1,96	3,23***	4,73	1,97	0,426	4,88	1,83	2,53*	4,12	1,84	1,961
7.	Касбий тайёргарлик босқичига тайёрлик	4,05	1,95	4,05	2,01	-0,603	4,35	2,01	0,857	3,79	2,11	0,533	3,95	1,70	1,332
8.	Психолог фаолияти: иш вақти, масъулияти, фаолият тури ва вазифаларининг мослиги	3,51	1,86	4,02	1,94	1,691	3,23	2,03	0,402	3,00	1,70	2,22	3,50	1,79	0,706
9.	Психологнинг шахсий сифатлари: масъулиятлилик, мақсадга йўналган, ваколатли, ақлли, иш тартиби тизимли	4,11	1,94	4,20	2,05	-0,498	4,44	2,07	0,190	3,47	1,92	1,46	4,37	1,61	-0,148
10.	Психологнинг ташқи кўриниши: имижи, кийиниш услубини ёқтириш	3,61	1,79	4,08	1,89	1,496	3,44	1,67	-0,534	2,73	1,62	3,75***	4,12	1,62	-0,527
11.	Психологлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи уюшмалар ҳақида билиш	3,77	1,96	4,55	1,79	4,53***	2,85	1,84	-2,384	3,02	2,03	3,18***	4,54	1,53	0,365

Изоҳ: *p≤0,05; **p≤0,01; ***p≤0,001;

Талаба-психологларнинг ўқув мотивларини тадқиқ этиш асосида улар тўртта даражага эга эканлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Талаба–психологлар ўқув мотивларининг мазмуний хусусияти ва даражасига кўра классификацияси

Талаба-психологлар ўқув мотивларининг юқори аҳамиятлилик даражасига кўра 3 ранг ва 5 рангга эга бўлганларини, яъни юқори малакали мутахассис бўлиш (1,21), чуқур ва мукаммал билимга эга бўлиш (1,18), келажакдаги касбий фаолиятининг муваффаққиятини таъминлаш (1,51), ўқишдан интеллектуал қониқиш олиш (3,78) мотивлари киритилди.

Юқори аҳамиятлилик даражали мотивларга 5-8 ранг кўрсаткичи ҳамда 16,4,14,8- ўриндагилар киритилди. Ушбу мотивларнинг: диплом олиш (4,08), жуда яхши ўқиб, «аъло» ва «яхши» баҳолар олиш (4,56), ота-она ва атрофдагиларни маъқуллашларига эришиш(4,78), ўқув фанлар ўзлаштирилишини сусайтирмаслик (5,44) мотивларидан иборат бўлди. Бунда ижтимоий муносабатларни акс эттирувчи ягона мотив (ўқитувчилар ҳурматига сазовор бўлиш) билан чекланилганлиги намоён бўлади. Ушбу мотив ҳам фанларни ўзлаштириш орқали ўқитувчиларнинг диққат-эътиборини қозонишга сабабчи бўлади. Бу эса кундалик натижаларга эришиш ва уларни амалга ошириш ижтимоий кутилмаларга нисбатан чекланганлигидан далолат беради.

Қуйи даража мотивларига эса 10-15 ранг кўрсаткичи ҳамда 13-16 ўринларни эгаллаганлари киритилди. Гуруҳдошларидан ортда қолмаслик, стипендия олиш (10,1), ўқитувчиларнинг талабларига жавоб бериш (10,47), ёмон натижалар туфайли жамоа танбеҳларидан қочиш (15,01) сингари ҳолатлар ушбу мотивларга хосдир.

Талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретида қадриятлар тизими ва шахсий йўналганликлари эмпирик натижаларида бир қатор корреляцион боғлиқликлар аниқланди (2-жадвал).

2- жадвал

Талаба-психологларнинг қадриятлар йўналиши ва уларнинг шахсий йўналганликлари ўртасидаги корреляцион боғланишлар

№	Қадриятлар йўналишлари	Ўзига	Инсонларга	Фаолиятга
1.	Шахсий истиқбол	0,529**	0,257*	0,543**
2.	Юқори моддий таъминланганлик	0,335*	0,178	0,381*
3.	Ижодкорлик	0,378*	0,425**	0,347*
4.	Фаол ижтимоий муносабат	0,124	0,336*	0,298*
5.	Ўз устида ишлаш	0,287*	0,265*	-0,023
6.	Ютуқларга йўналганлик	0,159*	0,456**	0,145*
7.	Маънавий қониқиш	0,026	0,437**	-0,084
8.	Ўзликни сақлаш	0,341*	-0,157	0,211

Изоҳ: *p<0,05; **p<0,01

Талаба-психологларнинг қадриятлар йўналиши билан уларнинг шахсий йўналганликлари ўртасидаги корреляцион боғланишлар анча фарқли кўрсаткичларни намоён этди. Сабаби шахс қадриятларининг саккизта йўналиши билан учта шахс йўналганлиги ўртасидаги муносабатлардан иккитасида аҳамиятга эга кўрсаткичлар кузатилди. Қолган ҳолларда корреляция муносабатлари мавҳумлигича қолмоқда. Бу ҳам талаба-психологларнинг ютуқларга йўналганлиги билан «ўзига йўналганлик» ҳамда ($r=-0,159$, $p<0,05$), фаолиятга йўналганлик ($r=0,145$, $p<0,05$) мотивлари орасидадир. Аммо кўриниб турганидек, коэффициентлардан бири манфий бўлса, иккинчиси мусбатдир (2-жадвал).

Аслини олганда, шахснинг ютуқларга йўналганлиги унинг ижтимоий фаоллиги билан уйғунлашиши зарур бўлади. Бу нарса, яъни фаолиятга йўналганлиги ижобий ва ўзига йўналтирилганлиги салбийлиги талаба-психологлар кўрсаткичларида объектив акс этган.

Диссертациянинг **«Талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретининг касбий шаклланишдаги аҳамиятини эмпирик ўрганиш»** деб номланган **учинчи бобида** талаба-психологлар ижтимоий-психологик портрети ва касбий шаклланишни тавсифловчи психологик хусусиятлари, талаба-психологларининг касбий компетенциялари ва ижтимоий-психологик муносабатлари, талаба психологлар ижтимоий-психологик портретининг касбий камолотни таъминлашига хизмат қилувчи омиллари эмпирик ўрганилган.

Талаба-психологлар индивидуаллигининг расмий-динамик хусусиятларини тадқиқ этиш ҳисобига темперамент типларини ҳам аниқлашга эришилди. Тадқиқотда психологик портретнинг алоҳида таркибий тузилмаси сифатида талаба-психологларнинг расмий-динамик хусусияти (темперамент) типлари ҳам аниқланди (3-жадвал).

Талаба-психологлар расмий-динамик хусусияларини психик фаолликни белгиловчи икки хусусиятига таяниб амалга оширилди, яъни фаоллик билан эмоционаллик даражалари ўртасидаги муносабатлар бунга аниқлик киритишга хизмат қилди. Натижада талаба-психологлар темпераментининг тўққизта типи аниқланди:

биринчи тип, юқори фаоллик билан қуйи эмоционаллик муносабатини ифодаловчи сангвиниклар-4,58%;

иккинчи тип, юқори фаоллик ва ўртача эмоционаллик муносабатини ифодаловчи юқори фаолликка эга аралаш тип-4,58%;

учинчи тип, юқори фаоллик ва юқори эмоционаллик муносабатларини ифодаловчи-холериклар-5,41%;

тўртинчи тип, ўртача фаоллик билан қуйи эмоционаллик муносабатини ифодаловчи қуйи эмоционалли аралаш тип-17,91%;

бешинчи тип, ўртача фаоллик билан ўртача эмоционаллик муносабатини ифодаловчи - ноаниқ тип -44,16%;

олтинчи тип, ўртача фаоллик билан юқори эмоционаллик муносабатини ифодаловчи юқори эмоицоналли аралаш тип-6,25%;

еттинчи тип, қуйи фаоллик билан қуйи эмоционаллик муносабатларини ифодаловчи-флегматик тип -7,08 %фоиз;

3-жадвал

Талаба-психологларнинг темперамент типлари (N=240)

Даражалар	**Қуйи эмоционаллик**	**Ўртача эмоционаллик**	**Юқори эмоционаллик**
Юқори фаоллик	Сангвиник 4, 58%	Юқори фаолликка эга аралаш тип 4,58%	Холерик 5,41%
Ўртача фаоллик	Қуйи эмоционалли аралаш тип 17,91%	Ноаниқ тип 44,16%	Юқори эмоционал аралаш тип 6,25%
Қуйи фаоллик	Флегматик 7,08 %	Қуйи фаолликдаги аралаш тип 5,00%	Меланхолик 5,00 %

саккизинчи тип, қуйи фаоллик билан ўртача эмоционаллик муносабатни ифодаловчи қуйи фаолликдаги аралаш тип-5,00%;

тўққизинчи тип, қуйи фаоллик билан юқори эмоционалликни ифодаловчи меланхоликлар-5,00%.

Талаба-психологларнинг расмий-динамик хусусиятлари бўйича устувор темперамент тип сифатида ноаниқ тип акс этмоқда. Кўп ҳолларда темперамент типи сангвиник бўлганлардан яхши психологлар чиқиши ҳақидаги муносабат ва мулоҳазалар кузатилади. Аммо бу ҳолатни ҳар доим ҳам етакчи мулоҳаза сифатида эътироф этиб бўлмайди.

Бизнинг талаба-психологлар расмий-динамик хусусиятлари борасидаги тадқиқотимизда ўртача қийматлар орасида ноаниқ тип устувор кўриниш олди. Ноаниқ типга хос хусусиятларни классик темперамент типларнинг бирор бирига боғлаб қўйиб бўлмайди. Ноаниқ типдагилар фаоллик билан эмоционаллик қийматлари меъёрда, уларда темперамент–«ўртача эмоционаллик ва ўртача фаоллик»дан иборат. Талаба-психологларнинг аралаш ва ноаниқ темперамент (В.М.Русалов) типлари етакчи тип сифатида ўрин олиши ҳам аҳамиятлидир.

Мазкур изланишнинг узвий давоми сифатида Р.Б.Кеттеллнинг 16 РҒ сўровномасининг А шаклини талаба-психологларда татбиқ қилдик. Ушбу тадқиқотда биз талаба-психологларнинг ижтимоий-психологик портретини шакллантиришда шахс хусусиятлари профилидан фойдаланиш энг мақбул ёндашувлардан бир сифатида танлаб олинди.

Тадқиқотимиздаги эмпирик кўрсаткичлар талаба-психологларнинг психологик ёки мутахассислик профилига хос ҳолатларни қуйидагича изоҳлаш имконини берди. Бу эса талаба-психологлар касбий тайёргарлик босқичида устозлари томонидан эътибор қаратилиши муҳим психологик жиҳатлар нималардан иборатлигини белгилаб беради. (2-расм)

Бугунги кунда талаба-психологларнинг касбий-шахсий камолоти билан боғлиқ ҳолатда уларнинг ижтимоий-психологик портретини акс эттирувчи шахс психологик профили юқоридаги келтирилган кўринишга эгадир. Бундан кўринадики, талаба-психологларнинг шахс профилига кўра ижтимоий-психологик портретини ифодаланишида коммуникатив, интеллектуал, эмоционал ва шахснинг ўзини-ўзи тартибга солиш омиллари мужассамлашган.

Талаба-психологлар ижтимоий-психологик портретини изоҳловчи муҳим компонентлардан бири сифатида талабалар гуруҳидаги шахслараро муносабат хусусиятлари тадқиқ этилди. Мазкур ҳолатнинг таҳлили кўринишлари талаба-психологлар гуруҳидаги жипсликни ўрганиш учун Л.М.Фридман, В.С.Ивашкин ва В.В. Онуфриевларнинг «Ўқув гуруҳидаги жипслик ва қадриятлар бирлигини ўрганиш» методикасини татбиқ этишга олиб келди.

Тадқиқотда талаба-психологлар гуруҳидаги жипслик индексини топиш бўйича жараён қуйида ифодаланган: жипслик =0,33 индексга тенг бўлди. Қўлга киритилган жипслик-индексини методиканинг меъёрларига кўра ифодалаганда, гуруҳ ўртача даражада ривожланган деган хулосага олиб келди. Бундан кўринадики, талаба-психолог таълим олаётган гуруҳидаги муҳит ижобий характерга эга, аммо қайсидир маънода гуруҳлар шахсалараро муносабатларда учрайдиган низоли ва зиддиятли ҳолатлардан холи эмас эканлар.



1-расм. Талаба-психолог психологик портретини ташкил этувчи етакчи омиллар

Талаба-психологларнинг методика бўйича натижалари асосида гуруҳлар қадриятлари йўналишларининг аҳамият кўрсаткичини аниқланди. Бунинг учун барча гуруҳлардаги сифатларнинг тегишли қадрият йўналишлари бўйича ўртача қиймати ҳисоблаб топилди (4-жадвал).

4-жадвал

Талаба-психологлар гуруҳидаги қадриятлар йўналиши кўрсаткичлари

№	Қадриятлар йўналишлари	Сифатларнинг ўртача частотаси	Ранжировка
1.	Таълимга муносабат	41,6	6
2.	Хулқ-атвор ва фаолиятнинг умумий услуби	64,4	3
3.	Билимни тавсифловчи сифатлар	65,8	1
4.	Ақлий сифатлари	43,4	5
5.	Ўқув-ташкилий кўникмаларни тавсифловчи сифатлар	50,2	4
6.	Ўртоқларига муносабат	64,8	2
7.	Ўз-ўзига муносабат	31,4	7

Талаба-психологлар гуруҳидаги қадриятлари йўналишида билимни тавсифловчи сифатлар (65,8) ранжировка кўрсаткичи бўйича биринчи ўринни олди: кўп ўқиганлик, қизиқувчанлик, маънавий бой, билимдонлик устувор қадриятлар сифатида гавдаланмоқда.

Иккинчи муҳим қадрият йўналиши сифатида «ўртоқларига муносабат» ўрин олди: ҳозиржавоб, жамоатпарвар, виждонли, мулоқотчанлик, адолатлилик.

Учинчи муҳим қадрият йўналиши сифатида «хулқ-атвор ва фаолиятнинг умумий услуби» ўрин эгаллади ва ижтимоий бурчини англаганлик, ғоявий эътиқодли, хушахлоқ, ижтимоий фаол, қатъиятлилик сифатларни ўзларида мужассамлаштирганлар.

Энг қуйи қадрият йўналиши сифатида «ўз-ўзига муносабат» ўрин олди. Бу эса талаба-психологларнинг гуруҳий муносабатларда ўз-ўзига танқидийлик кам, ўзига талабчанлик, мустақиллик, камтарлик, ўзига ишонганликка кам эътибор қаратмоқдалар.

Талаба-психологларнинг ижтимоий-психологик портретининг таркибий тузилмасидаги гуруҳдаги психологик микромуҳит ўртача ижобий даражада эга, яъни ижобий. Гуруҳнинг шаклланганлик даражаси бўйича талаба-психологлар гуруҳи ўртача даражада таркиб топган. Талаба-психологлар гуруҳида «билимни тавсифловчи сифатлар», «ўртоқларига муносабат» ва «хулқ-атвор ва фаолиятнинг умумий услуби» етакчи қадриятлар йўналиши эканлиги аниқланди.

5-жадвал

Талаба-психологларнинг касбий танловлари билан ижтимоий-психологик портретининг таркибий тузилмаси компонентлари омилли таҳлили натижалари

№	Касб танловлари, муваффақиятлар ва компетенцияларни белгиловчи мезонлар	Омиллар				
		1	2	3	4	5
1.	Психолог бўлиш қизиқарли ва ёқимли	0,760	0.07	0,204	-0,137	0.567
2.	Инсонларга ёрдам бериш истаги	0,638	-0,392	0,438	0.006	0,323
3.	Ўзимни ва ўзга инсонларни таҳлил қилиш	0,283	0,640	-0,230	0.002	0,484
4.	Инсонлар билан мулоқот қилишни ёқтириш	-0,282	0,780	0,651	-0,140	0,288
5.	Вазият тақозоси билан	0,342	0,213	-0,181	0,510	0.003
6.	Психолог касблар ичида юқори нуфузга эгалиги	0,611	0,341	0,678	0,327	0,181
7.	Касбий тайёргарлик босқичига тайёрлик	0,554	0,532	0,702	0,464	0.004
8.	Психолог фаолияти: иш вақти, масъулияти, фаолият тури ва вазифаларининг мослиги	0,640	0,723	-0,374	0,270	0.007
9.	Психологнинг шахсий сифатлари: масъулиятлилик, мақсадга йўналган, ваколатли, ақлли, иш тартиби тизимли	0,427	-0,323	-0,105	0,534	0.002
10.	Психологнинг ташқи кўриниши: имижи, кийиниш услубини ёқтириш	-0,291	0.042	0,373	0,293	0,463
11.	Психологлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи уюшмалар ҳақида билиш	0,177	-0.002	0,578	0,658	0.008
12.	Шахсий муносабатлари	0,041	-0.009	0,640	0,602	0.006
13.	Ота-онанинг нуфузи	0,266	-0,217	0,148	-0,227	0.0005
14.	Ҳамкасблари билан ҳамкорлик	-0,278	0,532	0,188	0,159	0,558
15.	Киришимлилик	-0,278	0.003	0.007	0.002	0,582
16.	Яшаш ҳудуди	-0,117	0,394	0,642	0.005	0,295
17.	Шахсий жозибадорлиги	0,651	0,246	0,241	-0,183	0,242
18.	Юқори касбий билим ва тажрибага эгалик	-0,186	0,731	0,280	0,636	0,295
19.	Когнитив қобилиятлари (диққат, хотира, тафаккур, идрок, хаёл, креативлик)	0,678	0.006	0,103	-0,120	0.005
20.	Ташкилотчилик қобилиятлари	0,885	0.005	0.001	0.124	0.0003
21.	Хорижий тилни билиши	0,745	0.004	0.013	0.116	0.0005
22.	Психологиянинг замонавий муаммоларидан хабардорлик даражаси	0,835	0.004	0,005	-0,153	0,110
23.	Касбий фаолият бўйича таянч билимларни ўзлаштирганлик даражаси	0,966	0.003	0.022	0.014	0.0007
24.	Психологиянинг соҳалари бўйича назарий билимларга эга бўлиш	0,778	0,103	0.107	-0,150	0.0030,
25.	Психодиагностика методикаларини танлаш, татбиқ қилиш, натижаларни таҳлил ва талқин қилиш	0,658	0.607	0.014	0.004	0.0005
26.	Психологик тренингни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини баҳолай олиш қобилияти	0,477	0,477	0,112	-0,155	0,101
27.	Психологик маслаҳатни ташкил этиш, амалга ошириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш	0,871	0,621	0.103	-0,101	0.017
28.	Психологик хизмат кўрсатиш йўналишларини билиши ва уни ташкил этиш	0,983	0.08	0.006	0.003	0.0005
29.	Психологик тадқиқотлар ташкил этиш техникаси	0,941	-0.06	0.005	0.152	0.002
